

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РШТЁИМ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ХАКИМОВ ЭРКИН АБДИХАЛИЛОВИЧ

**ОҒИР КУЙГАН БЕМОРЛАРДА ПОЛИОРГАН ЕТИШМОВЧИЛИГИ
СИНДРОМИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ
АФЗАЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Хакимов Эркин Абдихалилович

Оғир куйган беморларда полиорган етишмовчилиги синдромини профилактикаси ва даволаш афзаллигини баҳолаш 3

Хакимов Эркин Абдихалилович

Оценка эффективности профилактики и лечения синдрома полиорганной недостаточности у тяжелообожженных 29

Накимов Erkin Abdikhalilovich

Evaluation of effectiveness of prevention and treatment of polyorganic insufficiency syndrome in patients with severe burns..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РШТЁИМ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ХАКИМОВ ЭРКИН АБДИХАЛИЛОВИЧ

**ОҒИР КУЙГАН БЕМОРЛАРДА ПОЛИОРГАН ЕТИШМОВЧИЛИГИ
СИНДРОМИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ
АФЗАЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Tib206 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.emerg-centre.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчиси:

Карабаев Худойберди Карабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Зиновьев Евгений Владимирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор РФ

Собиров Джурабой Маъруфбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хакимов Мурод Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc. 04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил "___" _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100081 Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: (uzmedicine@mail.ru))

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100081, Тошкент ш.. Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли, 2. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Б.К. Алтиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (Докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда hozirgi кунда оғир куйган беморларда полиорган етишмовчилиги (ПОЕ) синдроми кўпгина касалликлар ва критик ҳолатларни кечишини оғирлаштириб, ўлимнинг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади¹. Бу синдром ўтган аср 70-80 йилларида биринчи марта ёзилган бўлиб, хирургик беморлар патологиясида етарлича тўлиқ ўрганилган. Техноген фалокатларнинг кўпайиши катта кўламдаги куйишлар билан жабрланган беморлар сонини ошишига олиб келди². Куйиш касаллиги полиорган бузилишлари билан кечади, аммо оғир куйган беморларда бу синдром мамлакатимиз ва хориж адабиётларида деярли ёритилмаган, унинг патогенези, кечиши, клиник ва морфологик белгиларининг ўзига хослиги ўрганилмаган³. Оғир куйган беморларда полиорган бузилишлар структурасида меъда-ичакдан қон кетиши билан кечадиган меъда-ичак тракти (МИТ) шиллик қаватини ўткир эрозив-яралли шикастланиши алоҳида ўрин тутган, бу эса нафақат куйиш касаллиги кечишини оғирлаштирган, балки юқори ўлим кўрсаткичи билан давом этган. Ҳозирги вақтгача оғир куйган беморларда меъда-ичак тракти шиллик қаватини ўткир эрозив-яралли зарарланиши сони ва келиб чиқиш муддатлари, деструктив ўзгаришлар патогенези ва меъда-ичакдан қон кетиши ҳақида аниқ тушунчалар йўқ. Юқори меъда-ичак тракти шиллик қаватлари деструктив ўзгаришлар билан куйиш касаллиги клиник кечиши ўртасида боғлиқлик аниқланмаган, меъда-ичак тракти шиллик қаватини эрозив-яралли зарарланишини патогенетик жиҳатдан асосланган даволаш ва профилактикаси ишлаб чиқилмаган. Оғир куйган беморларда полиорган бузилишлари даволаш натижалари яхшиланиши куйиш касаллиги патогенезини ўрганиш билан ажралмас боғлиқдир. Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб ушбу муаммони ҳал қилиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда оғир куйган беморларда полиорган етишмовчилик синдроми уни коррекция қилиш ва олдини олиш усуллариини такомиллаштиришга қаратилган илмий - тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада муаллифлар фикрича, куйиш касаллигининг энг замонавий илмий тушунчалар сифатида яллиғланишга тизимли жавоб синдроми моделини айтиш мумкин, бунинг сабаби сифатида оғир инфекция ёки травматик зарарланиш натижасида ривожланувчи яллиғланиш ва яллиғланишга қарши медиатрлар дисбалансини олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратиш алоҳида касб этади. Ҳозирга қадар яллиғланишга тизимли жавобнинг

¹ Alexeev A.A. et al. Systemic inflammatory reaction in patients with severe burns // Collection of scientific works of the III Congress of Russian Combustionologists «World without burns», November 15-18, 2010. - P. 53-54.

² Хаджибаев А.М., Фаязов А.Д. Организация медицинской помощи обожженным в системе экстренной медицины в Республике Узбекистан. // Скорая медицинская помощь. Мат. межд. конф. «Актуальные проблемы термической травмы». Санкт-Петербург, 20-22 июня, 2006.- №3. - Т.7. - С. 37-38.

³ Krilov K.M. et al. The role of wound infection in the development of system inflammatory reaction in patients suffered from severe thermic trauma // First medical aid. Proceedings, International Conference on "The Actual Problems of Thermic Trauma", June 20-22, Saint - Petersburg, 2006. P. - 61-62.

куйиш касаллиги патогенезида ва полиорган етишмовчилигида келиб чиқишида муҳим ўрин тутиши ўрганилмаган, уни коррекциялашнинг асосий усуллари аниқланмаган. Куйган беморларда полиорган етишмовчилиги синдроми профилактикаси, диагностикаси ва даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, кенг ва чуқур куйишнинг турли даражаси билан касалланган беморларни консерватив ҳамда хирургик йўл билан даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қўлайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш....»⁴ каби вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда оғир куйган беморларда полиорган етишмовчилик синдроми даволаш ва профилактика усуллари кенг қўллаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-5590-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тақдирнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертацияси мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Чуқур критик ва ўта критик куйган беморларни диагностикаси ва даволаш усуллари яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан North

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.skelif.mos.ru, www.emergency.spb.ru, www.med.unc.edu/surgery/burn, www.uwmedicine.org/locations/regional-burn-center, www.jmsburncenters.com, www.maasstadziekenhuis.nl/english/the-burn-centre-at-maasstad-hospital, www.meht.nhs.uk/services/st-andrews-centre-plastic-surgery-and-burns, www.vishnevskogo.ru, www.med.uz/emergency/center сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Carolina Jaycee Burn Center (USA); University of Washington Medicine Regional Burn Center (USA); The Joseph M. Still Burn Center at Doctors Hospital; Burning Center of Lyon Pierre Colson; Departments, Centers and Institutes (Basis Check Burn Center); Burning center (Maasstad Hospital, Netherlands); Burning center (Martini Hospital, Netherlands); St. Andrews Centre for Plastic Surgery and Burn; A.B. Вишнеvский номидаги хирургия институти Росмедтехнология ФДБМ Куйиш маркази (Москва, Россия); Склифосовский Илмий-Текшириш Институти ўткир термик шикастланиш бўлимда (Москва, Россия); И.И. Джанелидзе номидаги тез ёрдам ИТИ ўткир термик шикастланишлар булимда (Санкт-Петербург, Россия); Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиалларида (Тошкент, Ўзбекистон); Самарқанд Давлат тиббиёт институтида олиб борилмоқда.

Дунёда оғир куйган беморларда полиорган етишмовчилиги синдромини даволаш ва профилактикаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаларида, куйиш касаллигининг оғир асоратларини, шу ўринда – куйиш касаллиги даврларида орган ва тизимлар функциялари бузилишини коррекциялашда кўпгина ечимлар келтирилган (Алексеев А.А. ҳаммуал., 2017, 2018; Хаджибаев А.М. ҳаммуал., 2018; Robert L. Sheridan, 2014; Burnham K.L., Gordon A.C., Hill A.V., Knight J.C., 2016; Henaо R., Nichols M., Nowrylak J.A., 2018).

Жаҳонда ҳозирги вақтда оғир куйган беморларда полиорган етишмовчилиги синдромини даволаш ва профилактикаси натижаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар давом этмоқда, жумладан оғир куйиш жароҳатида ва эрта хирургик даволашда орган ва полиорганли органопротекторли қувватлаш кенг қўлланилмоқда (Крылов К.М. ҳаммуал., 2016, 2017; Фаязов А.Д. ҳаммуал., 2017; Humburg P., Mills T.C., 2016; Swttney T.E., Perumal T.M., Choi A.M., Vermejo-Martin J.F., Devenport E.E., 2018).

Муаммо ўрганилганлик даражаси. Дунёда кўп сонли муаллифлар берган маълумотларга кўра инфузион-трансфузион терапия (ИТТ) схемаси билан йирик бўлмаган чуқур куйган беморларда нисбатан қониқарли натижага эришиш мумкин, аммо бундай тавсиялар оғир куйган беморларда, хусусан куйиш шоки ва полиорган етишмовчилигини даволашда мутлақо зиддир, бу гуруҳдаги беморларга ҳисобланган мўлжал эса, кўпинча самарасиз ва тўғри келмайди (Адмакин А.Л. ҳаммуал., 2008; Крылов К.М. ҳаммуал., 2010; Шлык И.В. ҳаммуал., 2010; Саматов И.Ю. ҳаммуал., 2014; Burke A. et al., 2008).

Юқорида келтирилганлардан аниқ бўлдики, полиорган етишмовчилиги билан оғир куйишдан жабрланган беморларда эрта хирургик ёндошувни қўллаш учун, аввалом бор, куйиш шокини профилактикаси ва даволашда, бундан ташқари, токсемия ПОЕ билан ва операциядан олдинги ва кейинги даврларда инфузион-трансфузион терапияни ўтказиш учун воситаларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муасасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти СамДТИда «Тиббиётда ва аҳоли соғлиғини

сақлашда янги усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» Давлат илмий-техникавий дастури (ДИТД) 14-1.14 режасига мувофиқ бажарилган (Давлат регистрацияси № 001386).

Тадқиқотнинг мақсади: полиорган етишмовчилиги синдромини профилактикаси ва корекциялаш орқали куйиш касаллиги билан жабрланган беморларда даволаш натижаларини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

куйган беморларда ПОЕ синдроми структурасини клиник-лаборатор ва эндоскопик текширишларнинг ретроспектив таҳлили асосида ўрганиш.

морфологик тадқиқот маълумотларига асосланиб, ПОЕ синдроми келиб чиқишини патогенетик негизини аниқлаш.

инфузион-трансфузион терапия учун воситаларнинг миқдор ва сифатни оптималлаштириш.

оғир куйган беморларда ПОЕ синдромини профилактикаси ва даволашда эрта хирургик даволашнинг ўрнини баҳолаш.

оғир куйган беморларда ПОЕ синдромини профилактикаси ва даволашда органопротекторли терапия ва эрта нутритив-метаболик қувватлашни самарадорлигини баҳолаш.

полиорган етишмовчилигини ўтказган куйган беморлар учун реабилитацион усулларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти РШТЁИМ Самарқанд филиалида 2008- йилдан 2018- йилгача бўлимда стационар даволашда бўлган, оғир ва чуқур куйиш билан жароҳатланган 643 та беморларда олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оғир куйиш жароҳатидан ўлган беморларнинг патоморфологик текшириш натижалари, жароҳатдан ажралган йирингли ажралмаларни бактерологик текшириш ва инструментал текширишлар (УТТ, ЭКГ, Рентген, КТ) ҳамда беморларнинг қон материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Қуйидаги вазифаларни хал этиш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун умумклиник, лаборатор, инструментал, микробиологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

куйиш касаллиги кечишини комплекс таҳлили қилиш асосида, куйиш касаллиги даврларига хос бўлган ПОЕ ва гомеостаз бузилишларининг бир қанча объектив мезонлари ва уни меъёрлаштиришда инфузион-трансфузион терапиянинг мувофиқлашган таркиби ишлаб чиқилган;

ўтказилган клиник ва лаборатор текшириш натижалари асосида кристаллоид, коллоид ва тузсиз эритмалар нисбати ҳисобга олинган ҳолда муҳитнинг мувофиқлаштирилган миқдорий ва сифат таркиби кўзда тутилган патогенетик асосланган интенсив трансфузион терапия схемаси тақдим этилган;

оғир куйган беморларда меъда-ичак тракти ўткир яраси ва эрозиялари келиб чиқишида яллиғланишга тизимли жавоб синдроми аҳамияти

аниқланган. Куйиш травмаси оғирлик даражалари, давомийлиги куйиш касаллиги кечиши кўринишлари ва асоратлари келиб чиқишига боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Меъда-ичак трактидан қон кетиш ва шиллиқ қаватлари эрозив-ярали зарарланишларининг профилактикаси ва даволаш усулари мувофиқлаштирилган;

нутритив-метаболик қувватни самарадорлигини ошириш мақсадида, углевод ва ёғлар таркиби камайтирилган энтерал аралашмалар, энергетик таъминот ва энергопластик таъминот учун оқсиллар таркибини кўтариш, бундан ташқари жигар метаболизмини яхшилаш учун аминокислота препаратларидан бошлаш асослаб берилган;

ПОЕ синдроми келиб чиқишини олдини олишда, инфекция асоратлар ва ўлим сонини камайтиришда эрта хирургик даवони қўллашнинг юқори самарадорлиги исботлаб берилган;

куйиш касаллигини профилактикаси ва даволашда самарадорлиги патогенетик асосланган комплекс дастур ишлаб чиқилган, бунга куйиш касаллиги кечишини коррективкалаш (тузатиш) ва полиорган етишмовчилиги синдроми келиб чиқишини олдини олишга имкон берувчи фаол хирургик ёндошув, нутритив ва органопротекторли терапия бажарилган;

куйиш шоки оғирлигини баҳолаш «OJOG-T» ва куйиш шоки даражаларини ҳисоблаш «Grad-2» информатив ҳисоблаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

клиник амалиётга кристаллоид, коллоид ва тузсиз эритмалар нисбатини ҳисобга олинган ҳолда, муҳитнинг оптималлашган миқдорий ва сифат таркиби кўзда тутилган, патогентик асосланган интенсив трансфузион терапия схемаси киритилган;

ўз вақтида оператив даво, эрта нутритив-метаболик қувватлаш ва органопротекторли терапияни ўз ичига олган профилактика ва даволашнинг комплекс дастури ишлаб чиқилган, бу эса яллиғланишга тизимли жавоб ва полиорган бузилишларини давомийлиги ва намоёнлигини камайтиришга, полиорган етишмовчилиги оқибатида келиб чиқадиган ўлимни камайтиришга имкон берган;

куйган беморларда гастропротекторли терапия мувофиқлаштирилди, меъда-ичак трактидан массив қон кетишини тўхтатишда эндоскопик усул танлови патогентик асосланган, бу эса ўткир яраларнинг асоратларини ва ўлимни камайтиришга олиб келган;

оғир куйганларни даволаш самарадорлигини оширишда нутритив қувват учун углевод ва ёғлар таркиби камайтирилган ва оқсиллар таркибини кўпайтирилган энтерал аралашмалар, бундан ташқари жигар метаболизмини яхшилаш учун аминокислота препаратларини қўллаш ўз самарадорлигини исботлаб берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор-инструментал, морфологик ва статистик

усуллардан фойдаланиш билан тасдиқланган бўлиб, тадқиқотлар етарлича клиник материалларда ўтказилган. Олинган маълумотлар ҳориж ва мамлакатимиздаги тадқиқотлар маълумотларига зид эмас. Хулоса, олинган натижалар мухтор структураларда тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, бунда олинган натижалар, хулосалар ва тавсиялар оғир кўйган беморларни даволаш ва диагностикаси хусусиятларини ўрганишга сезиларли даражасида ҳисса қўшган. Куйиш шокини оғирлигини баҳолаш ва даражасини ҳисоблаш мезонлари, бундан ташқари инфузион-трансфузион терапия учун суюқликларнинг суткалик ҳажмини ҳисоблашда модифицирланган схеманинг қўлланилгандаги самарадорлиги келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, профилактика ва даволашда эрта некрэктомия ва бир вақтда аутодермопластика амалиёти, эрта нутритив-метаболик қувватлаш ва органопротекторли терапияни ўз ичига олган комплекс дастурдан фойдаланишнинг имкониятлари ва афзаллигини исботлаб берилган, бу эса яллиғланишга тизимли жавоб ва полиорган етишмовчилигини давомийлиги ва белгиларини камайтиришга, полиорган етишмовчилигидан кейинги ўлимни пасайтиришга имкони яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Оғир куйган беморларда полиорган етишмовчилиги синдроми диагностикаси, даволаш ва профилактикасини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Куйиш шоки оғирлигини баҳолаш усули «OJOG-T» ишлаб чиқилди (ЎзР Давлат патент идораси. Гувоҳнома № DGU 01575). Таклиф қилинган усул куйиш шокини диагностикасини аниқлаштиришга имкон берган;

«Куйиш шоки даражаси ҳисоблаш «Grad-2» ишлаб чиқилди (ЎзР Давлат патент идораси. Гувоҳнома № DGU 01576). Таклиф қилинган усул куйиш шоки даражасини ҳисоблашни соддалаштиришга имкон берган;

«Куйиш касаллигида тромбогеморрагик асоратлар диагностикаси ва профилактикаси учун дастур» ишлаб чиқилди (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги. Гувоҳнома № DGU 05934). Таклиф қилинган усул оғир куйган беморларда тромбогеморрагик асоратлар диагностикаси ва профилактикасини самарадорлигига имкон берган;

«Оғир куйган беморларда меъда-ичак тракти ўткир яра ва эрозияларини диагностикаси ва даволаш тактикасини танлаш дастури» (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги. Гувоҳнома № DGU 05935). Таклиф қилинган усул оғир куйган беморларда меъда-ичак тракти ўткир яра ва эрозияларини диагностикасини эрта аниқлаштиришни имконини берган;

«Оғир куйган беморларда меъда-ичак тракти функцияси бузилишлари» ва «Куйиш касаллигида гемостаз тизими бузилишлари» услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 апрел №8 н-д/88 сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши оғир ва чуқур куйган беморларда полиорган

етишмовчилиги синдромини даволашда ва профилактикасида самарадорлик имконини берган;

Оғир куйган беморларда полиорган етишмовчилиги синдромини профилактикаси ва даволаш усуллари такомиллаштириш, амалиётга жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё ва Жиззах филиали комбустиология бўлимларига киритилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 апрелдаги №8 н-д/88-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши оғир куйган беморларда эрта некрэктомия ва бир вақтда аутодермопластикани қўллаш ПОЕ кўрсаткичини 94,2% дан 60,9% гача пасайишига, ўлимни 27,47% дан 19,39% гача камайишига имкон берган ва беморларнинг касалхонада бўлиш давомийлигини 11,2 кунга қисқариши имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот маълумотлари 14 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 9 та халқаро ва 5 та республика конференцияларда муҳокама қилинган.

Натижаларнинг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 9 таси Республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 221 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва ахамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объект ва предмети таснифланган, мазкур тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос, келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижалар илмий ва амалий очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оғир куйганларда полиорган етишмовчилиги**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар тахлили баён этилган. Унда полиорган етишмовчилигининг патогенези, таснифи, клиникаси ва даволаш принципларига бағишланган замонавий тассавурлар, хорижий ва маҳаллий олимларнинг маълумотларини батафсил баённи, оғир куйган беморларда полиорган етишмовчилик сабаблари ўлим ҳолати ПОЕ патогенези кўрсатилган. Касалликдаги ташхис масалалари, қўлланиладиган даволаш чора-тадбирларини танлаш ва босқичлилиқ муаммолари, ПОЕ ни коррекция қилиш йўллари, қўлланиладиган усулларнинг афзаллиги ва камчиликлари тахлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Беморлар таснифи. Диагностикаси ва даволаш**

усуллари» деб номланувчи иккинчи бобида 2008 йилдан 2018 йиллар давомида РШТЁИМ Самарқанд филиали комбустиология бўлимида стационар даволашда бўлган оғир ва чуқур куйиш билан жароҳатланган 643 нафар беморнинг тадқиқот тавсифи берилган. Клиник, инструментал, лаборатор текшириш ва даволаш усуллари баён қилинган.

Кузатилган беморлар ўтказилган даволаш усулларига боғлиқ ҳолда 2 гуруҳга бўлинган: I (назорат гуруҳи) гуруҳни РШТЁИМ Самарқанд филиали комбустиология бўлимида 2008 йилдан 2012 йилгача даволанган 313 (48,68%) бемор ташкил қилган, бу гуруҳдаги беморларга куйиш касаллиги босқичлари бўйича анъанавий шокка қарши инфузион-трансфузион терапия ва умумий даволаш муолажалари ўтказилган.

II (асосий гуруҳ) гуруҳни шу патология билан РШТЁИМ Самарқанд филиали комбустиология бўлимида 2013 йилдан 2018 йилгача даволанган 330 (51,32%) куйган беморлар ташкил қилди, бу гуруҳдаги беморларга ҳаёт учун муҳим аъзолар функцияси бузилишларига боғлиқ ҳолда, биз томонимиздан инотроп ва органопротекторли қувватлаш билан такомиллаштирилган шокка қарши инфузион-трансфузион терапия ва эрта фаол хирургик ёндошув ўтказилган. Тадқиқотда олинган беморларнинг жинси ва ёши, 1973 йилда БЖССТ томонидан таклиф қилинган тасниф асосида тақсимланган. Куйиш билан шикастланишнинг этиологик сабаблари таҳлил қилинганда оловдан куйганлар кўпчиликти ташкил қилди (461 бемор; 71,70%). Қайноқ сув ва иссиқ суюқликлардан куйиш 140 беморда (21,77%), сандалдан куйиш 22 беморда (3,42%), электрдан куйиш 15 беморда (2,33%) ва контакт - 5 (0,78%) беморда қайд этилган.

Куйганларда жароҳат майдонини аниқлашда А.В. Wallace (1951) томонидан таклиф қилинган «тўққизлик» умумий қоидалари асосида, куйиш чуқурлигини аниқлашда А.А. Вишневский ва ҳаммуалиф (1960) томонидан таклиф қилинган тўрт даражали таснифдан фойдаланилган.

Франк Индекс бўйича беморларнинг гуруҳлар тақсимооти қўйидаги жадвалда изоҳланган.

Жадвал 1.

Франк Индекс бўйича беморларнинг гуруҳлар тақсимооти


Франк Индекси	I гуруҳ		II гуруҳ		Жами		p (I-II)
	Беморлар сони	%	Беморлар сони	%	Беморлар сони	%	
30-70 ед. нисбатдан ижобий натижа	143	45,69	155	46,97	298	46,35	0,93
71-130 ед. мавхум натижа	101	32,27	102	30,91	203	31,57	0,94
130 ед. ёмон натижа	69	22,04	73	22,12	142	22,08	0,99
Жами:	313	100,0	330	100,0	643	100,0	

Изоҳ: $p > 0,05$ Тақосланган гуруҳларнинг статистик бир хиллигини аниқлаган.

Кўп ҳолларда куйиш локализацияси тана ва қўл-оёқларда (32,5% беморларда), бош ва қўл-оёқларда (27,22%), танада (14,62%) кузатилди. Ёнгин ва қайноқ сувдан куйишнинг кўп сонли локализацияси 126 (19,59%) беморда қайд этилди. Тери куйиши билан бирга ингаляцион травма 87 беморда (13,53%) кузатилган.

Оғир куйишдан ўлганларнинг 150 та касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилиниб, клиник кўрсаткичлар ва 150та мурданинг суд-тиббий текшириш натижалари асосида полиорган етишмовчилик синдроми структураси ўрганилган, шу билан бирга I гуруҳдаги – 10 нафар, II гуруҳдаги – 10 нафар куйиш шоки даврида ўлганлардан органлар аутопсия материаллари гистологик текшириш натижалари таҳлил қилинган.

150 та ўлганлардан 57 таси (38,0%) куйиш шоки даврида (1-2-3 сутка), 67 таси (44,67%) – куйишнинг ўткир токсемия даврида (4-10-17 сутка) ва 26 таси (17,33%) – септикотоксемия даврида (операциядан кейинги 20-46 сутка) ўлганлар қўйидаги расмда изоҳланган.



1-расм. Ўлган беморлар қиёсий таҳлили

Назорат гуруҳдаги пациентларда гиповолемия коррекциясида кенг қўлланган Е. Evans формуласидан фойдаланилган. Асосий гуруҳдаги беморларда инфузия ҳажмини ҳисоблашда бутун дунёда қабул қилинган Parcland формуласини модификациялаштирилган ҳолда қўлланган. Эрта нутритив-метаболик қувватлаш (энтерал ва парентерал озиклантириш) асосий гуруҳдаги ҳамма беморларда ўтказилган. Парентерал озиклантириш куйган бемор ётқизилгандан сўнгги дастлабки соатларда бошланган ва куйиш шокка қарши терапиянинг компоненти сифатида қабул қилинган.

Аутодермопластика жарроҳлик амалиёти орқали 713 та ҳолатда I гуруҳдаги 227та оғир куйган беморларда ўтказилган, II гуруҳдаги 266 та оғир куйган беморларда, 643 та ҳолатда, чуқур куйган жароҳатда жами 493 та тирик қолган беморларда тери бутунлиги тикланган.

Диссертациянинг «**Оғир куйишдан жароҳатланган беморларда даволашнинг анъанавий усулларида фойдаланиш натижалари**» деб номланувчи учинчи бобида куйиш шокида ва полиорган етишмовчилигини

келиб чиқишини диагносткаси ва даволаш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш баён қилинган.

Назорат гуруҳидаги 313та беморларда ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, РШТЎИМ Самарқанд филиали комбустиология бўлимига 306 таси (97,76%) беморлар куйиш шоки даврида ётқизилган, 7 та (2,24%) бемор эса куйишнинг ўткир токсемияси даврида ётқизилган.

Назорат гуруҳидаги беморларда ўтказилган анъанавий даволаш комплексида операция олди тайёргарлик ва куйиш шоки ҳолатидан чиқариш кўзда тутилган, бунда Е. Evans (1952) формуласи буйича шокка қарши адекват инфузион-трансфузион терапия етакчи ўринни эгалаган, токсемия босқичида ҳаёт учун муҳим аъзо ва тизимлар функционал бузилишларини меъёрлаштириш билан бирга детоксикацион ва антибактериал терапия ўтказишни ҳамда куйган соҳани оператив давога тайёрлашни ўз ичига олган.

Мазкур тадқиқотимизни бажариш жараёнида шуни нарса аниқландики, куйиш шокида Е. Evans формуласи буйича ўтказилган инфузион терапия ҳар доим ҳам қон томирни тўлдиришни оптимал таъминламаган. Кўпинча бирламчи режага беморнинг биохимик, метаболик ва клиник кўрсаткичларига боғлиқ равишда ўзгартиришлар киритишга тўғри келган.

Куйиш шоки билан назорат гуруҳидаги беморлар орган-tizimлардаги ўзгаришлар сони ўрганиш шуни кўрсатдики, куйганларнинг барчасида (100%) ПОЕ ташҳиси қўйилган. Бунда, кўп ҳолларда 172 та (54,95%) беморларда уч ва ундан ортиқ аъзо ва тизимлар дисфункцияси аниқланган.

Куйиш шоки ва ПОЕ синдроми билан 95 та (30,35%) беморда энцефалопатия кузатилган, бу эса марказий асаб тизим (МАС) организм ҳаёт фаолиятини регуляция қилишда ҳукмронлигини исботланган. МАС етишмовчилиги бу гуруҳдаги беморларда кўп ҳолларда интоксикацион делирия ёки ҳушнинг бузилиши (кўзгалувчанлик, бефарқлик, сопор, кома) кўринишида намоён бўлган.

Куйган беморларнинг 70 тасида (22,36%) меъда-ичак трактида эрозив-яралар зарарланишларнинг клиник кўринишлари намоён бўлган

Респиратор органнинг зарарланиши 63 та (20,13%) беморларда кузатилган. Ўпкалар учун бу белгилар ўткир ўпка зарарланишининг клиник-рентгенолок белгилари сифатида намоён бўлганлиги характерланган.

Буйрак етишмовчилиги 93 та (29,71%) беморда ва 62 та (19,81%) беморда жигар етишмовчилиги синдроми келиб чиқган. Кейинги ўринда юрак-қон томир (ЮҚТ) тизими зарарланиши 61 та (19,49%) беморда аниқланган. Беморларда ПОЕ авж олиш даврида ичак етишмовчилиги синдроми (ИЕС) кўпроқ етакчи синдром сифатида қайд этилган. Меъда ичак тракти аъзолари функционал етишмовчилиги, бизнинг клиник кузатишларда, меъда ва ичак токсик парези, қизилўнгач, меъда, ўн икки бармоқли ичак ва ингичка ичакда ўткир эрозиялар ёки яралар кўринишида, кам ҳолларда қон кетиши асоратлари (24 та беморда) кузатилган. Буларнинг барчаси шуни тасдиқлайдики, аввал келтирилган кўп сонли муаллифлар фикрича, куйиш шоки даврида ичак найи кўп


шикастланадиган «нишон-аъзо» бўлиб ҳисобланади. Ишемияга эрта таъсирчан бўлган ичак, инфекциялар учун куйиш ярасидан ташқари, кўшимча «кириш дарвоза» бўлиб ҳисобланади.

Мазкур тоифадаги беморларда ўтказилган тадқиқотлар шундан гувоҳлик берадики, куйиш жароҳати оғирлиги куйиш шоки келиб чиқишида ва ҳаёт учун муҳим аъзолар ва тизимларда рўй берадиган ўзгаришларда асосий омил бўлиб, куйиш шоки ва ПОЕ кечиши давомийлигини ҳамда кўпроқ даво натижаларини белгилаб беради. Ичаклар дисфункциясининг борлиги, ўз навбатида куйиш касаллигини оғир кечишидан гувоҳлик берган.


Полиорган етишмовчилик синдроми 2 дан 7 гача тизим ва аъзолар зарарланиши ўз ичига олди, бунда куйиш травмаси оғирлиги билан бирга зарарланган тизим ва аъзолар сони ҳам ортиб борди. 2-4 тизим ва органлар зарарланиши 273 та (87,22%) беморда, 5-7 тизим ва органлар зарарланиши камроқ - 40 та (12,78%) беморда кузатилган.

Ўлим ҳолатлари структураси таҳлил қилинганда нафас функцияси етишмовчилиги (88,89%), юрак - қон томир тизими (77,78%), МАС (66,67%), кам ҳолларда - буйрак етишмовчилиги (33,34%) ва МИТ етишмовчилиги (22,23%), шу билан бирга орқага қайтмас полиорган етишмовчилиги келиб чиқиши кўп ҳолларда нафас тизими етишмовчилиги ва меъда-ичак трактдан қон кетишда кузатилган. Назорат гуруҳидаги беморларда куйиш шокини даволаш натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, анъанавий шокка қарши инфузион-трансфузион терапия усулидан фойдаланилганимизда, шок ҳолатидан чиқариш ва ПОЕ бартараф қилиш 34 та (10,86%) беморда имкони бўлмади, бунинг оқибатида куйиш шоки даврида ўлим ҳолати кузатилган.


Куйиш шоки даврида келиб чиққан 10 та ўлим ҳолати сабабларини аниқлаш учун морфологик текширишлар ўтказилди (2-5 расм).




2 -расм. Томирлар тўлақонлиги, перибронхеал ателектаз ва периферик альвеолалар эмфизематоз кенгайиши, кичик бронх ва альвеолалар деворидаги қора рангдаги қурум зарралари, эритроцитлар стази, альвеолалар эпителияси калинлашиш ва коагуляцион некрози, гематоксилин – эозин билан бўялган, ок WF10x\22, об. SP4\0.10.



3-расм. Веноз тўлақонлик, оралик тўқима шиши, цитоплазма вакуолизацияси билан миоцитлар қўндаланг тизилиш йўқлиги кўринишидаги оксилли дистрофик ўзгаришлар, гематоксилин – эозин билан бўялган, ок WF10x\22, об. SP4\0.10.



4-расм. Буйрак коптокча ва каналчалари нотекис тўлақонлиги, диапедез қон қўйилиш ўчоқлари, каналчалар эпителияси тарқалган дистрофик ўзгаришлари ва некрози, гематоксиллин – эозин билан бўялган, ок WF10x\22, об. SP4\0.10, SP4\0.40.



5-расм. Томирларда нотекис тўлақонлик, периваскулялар ва периселюляр соҳа кенгайиши, гиалин-томчили, гидропик дистрофия ва гепатоцитлар ўчоқли некрози, купер хужайраларидаги қора қурум зарралари, гематоксиллин – эозин билан бўялган, ок WF10x\22, об. SP4\0.10, SP4\0.40.

Бунда ички аъзоларда артериолалар ўчоқли спазми билан бирга сезиларли қон томирлар тўлақонлиги, кичик вена ва венулалардаги тўлақонлик; нафас йўллари ўзанида қурумли зарралар бўлиши, бронхоспазм белгилари; ўпка ўткир эмфиземаси; миокард майда томирларида камқонлик, кўндаланг тизилиш йўқлиги кўринишидаги дистрофик ўзгаришлар, кардиомиоцитлар емирилиши ва вакуолизацияси; буйрак каналчалари гиалин-томчили ва гидропик дистрофияси; гепатоцитлар гидропик ва баллонли дистрофияси, жигар купер хужайраларида қора қурум зарралари борлиги, гепатоцитлар ўчоқли некрози кўринишидаги характерли морфологик ўзгаришлар аниқланган - бу ўзгаришлар эса куйиш шоки ўта оғир кечганлигини характерлаган.

Куйишнинг ўткир токсемия даврида 127 та (77,78%) пациентда марказий асаб тизими энцефалопатия кўринишидаги зарарланиши аниқланган. Респиратор тизими зарарланиш 99 нафар (35,48%) ва юрак – қон томир тизимида 81 нафар (29,03%) куйганларда кузатилган. Куйишнинг ўткир токсемияси даврида респиратор, юрак – қон томир тизимида ва жигар-буйрак етишмовчилиги ривожланиб бориши оқибатида назорат гуруҳидаги 37 та (13,26%) беморда ўлим ҳолати келиб чиққан.

Назорат гуруҳидаги беморларнинг хирургик даволаш натижалари. Септикотоксемия даврида (20-46 кунлар) чуқур куйиш билан назорат гуруҳидаги 242 беморга оператив ёндошув бажарилган. Бу гуруҳдаги 227 тирик қолган пациентда тери қопламалари куйиш жароҳати консерватив тайёргарликдан сўнг аутодермопластика йўли билан тикланган. Мазкур гуруҳидаги 15 та бемор умумий, аҳволи оғирлиги учун ПОЕ белгилари сезиларли намоеън бўлганлиги сабабли операция ўтказилмаган.

Назорат гуруҳидаги куйганларда, аҳволи оғирлиги ПОЕ белгилари сезиларли намоеън бўлгани учун оператив даволаш бемор касалхонага келгандан сўнг ўртача $26,5 \pm 1,0$ кунларда амалга оширилган. Операция ўтказилган беморларда куйиш майдони тана юзасининг 5% дан 40% гачасини ташкил қилган.

Аутодермопластика (АДП) ўтказилган 227 бемордан 81 (35,68%) беморда I босқичда, 146 (64,32%) беморда II босқичда бажарилган. Авайловчи некрэктомия майдони ўртача $11,7 \pm 0,7\%$ ташкил қилди. 227

пациентда жами бўлиб, 373 аутопластик терини кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилди, яъни бунда 1 беморга 1,5 операция тўғри келган.

Назорат гуруҳидаги беморларда АДП амалиётидан сўнг, тери копламалари тикланиши, чуқур куйиш майдони ошишига мос равишда чўзилган, ўртача $25,5 \pm 1,0$ кунларни ташкил қилган. Стационар давонинг давомийлиги ҳам ўртача 3-4 кунга чўзилган. Аутоотрансплантат илвираб кетиши (лизис) ҳолати 33 (14,53%) беморда кузатилган.

1119 донор жароҳати соҳаларида 136та (12,15%) ҳолатда йиринглаш кузатилган, уларга 150 дан 250 см² майдонгача қайтадан АДП амалиёти ўтказилишини тақозо этган. Қолган беморларда донор жароҳати тикланиши 7 кундан 13 кунгача бўлган муддатда кузатилган.

Куйишнинг септикотоксемия даврида респиратор етишмовчилиги (10 ҳолатда), юрак - қон томир тизими етишмовчилиги (3 ҳолатда) ва жигар-буйрак (2 ҳолатда) етишмовчилиги ривожланиб бориши натижасида 15 (6,19%) беморда ўлим ҳолати қайд этилган.

Назорат гуруҳидаги беморларнинг шифохонада бўлиши ўртача $44,5 \pm 2,0$ ётоқ – куни ташкил қилган.

Шундай қилиб, назорат гуруҳидаги оғир куйиш жароҳати билан 86 та (27,47%) беморда ўлим ҳолати келиб чиқган. Бундай салбий натижаларнинг келиб чиқишида яллиғланишда тизимли жавоб кечишининг патофизиологик хусусиятларини ўзига хос ўрни билан баҳолаш мумкин: микроциркуляция ва қон томир ўтказувчанлигининг бузилиши, микро ва макротромбозлар, эмболиялар, МИТ ва бошқа аъзолар шиллик қаватларидаги ўткир деструктив ўзгаришлар, оксил-энергетик етишмовчилиги, «стерил» полиорган дисфункцияси ва етишмовчилигига олиб келувчи метаболик бузилишлар ва интоксикация ҳолати бўлган. Бошқа гуруҳидаги салбий натижалар сабабларини сепсис ривожланиши билан инфекция генерализацияси ва юрак, ўпка, буйрак ва жигарда турғун ўчоқлар келиб чиқиши билан изоҳлаш мумкин.

Диссертация «**Куйиш касаллигини даволашда янгича ёндошув**» деб номланган тўртинчи бобида асосий гуруҳидаги оғир куйган беморлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Асосий гуруҳидаги куйиш жароҳати билан жароҳатланган барча беморлар куйиш шоки даврида келтирилган. Уларга шокка қарши инфузион-трансфузион терапия ўтказилган ҳамда шок ва токсемия даврида модификацияланган усул бўйича операция олди тайёргарлик ва эрта фаол хирургик тактикаси ўтказилган.


Бизлар олиб борган тадқиқот натижалари оғир куйган беморларни оғирлигини баҳолаш мезонлардан фойдаланилган, шулар асосида куйиш касаллиги оғирлигини баҳолаш ва куйиш шоки оғирлиги даражасини ҳисоблаш шкаласи ишлаб чиқилган, шунга мос равишда тегишли гувоҳномалар олинган. (№ DGU 01575 «Куйиш шоки оғирлигини баҳолаш (OJOG-T)» ва «Куйиш шоки даражаларини ҳисоблаш (Grad-2)» № DGU 01576 28.08.2008 й.).

Олиб борган тадқиқот, таклиф қилинган куйиш шоки оғирлиги даражасини ҳисоблаш мезонлари, куйиш шоки оғирлигини аниқроқ баҳолаш ва унга мос равишда даволаш тактикасини танлашга имкон берган. Бунда куйидаги кўрсаткичлар муҳим ҳисобланди: юрак уришлари сони (ЮУС), артериал босим (АБ), марказий веноз босими (МВБ), микроциркуляция, тана температураси (t°), диурез, ПОЕ борлиги, гемоглобин миқдори, гематокрит ва бошқа кўрсаткичлар изоҳлаб берган.

Бу объектив диагностик мезонларни клиник амалиётда қўлланилиши, бизларга шокка қарши инфузион-трансфузион терапиянинг зарур схемасини янада адекват танлашга имкон берди, бу эса нафақат ПОЕ кузатилганда балки уни коррекциялаш билан бирга беморларни оғир ҳолатдан чиқарди, ва мазкур контингентдаги беморларни реанимация булимларида бўлишини ўртача 2-3 кунга қисқартирган.

Асосий гуруҳдаги беморларда куйиш шокида инфузия ҳажмини ҳисоблашда бизлар томонимиздан бутун дунёда қабул қилинган Parcland формуласидан фойдаландик, аммо киритилаётган препаратларни таркибий сифати аниқлаштирилди ва клиник ҳолатга боғлиқ ҳолда кўрсатилган асосий ҳажм кўпайтирилган ёки камайтирилган. Масалан, инфузион терапияни кеч бошланганда ёки оғир гиповолемия ҳолатда, электр токидан куйганда, юкори нафас йўллари куйиши бўлган беморларда киритилаётган суюқликларнинг суткалик миқдори МВБ назорати остида 40% гача кўпайтирилди. Аксинча ҳолатларда, яъни юрак-қон томир етишмовчилиги бўлган беморларда, буйрак етишмовчилиги клиникасини намаён қилган беморларда юбориладиган суюқликлар асосий ҳажми камайтирилган. Оптимал инфузион терапиянинг биринчи ярми 8 соат мобайнида кристаллоид препаратлари ҳисобига, кейинги 16 соатда керак бўлган кунлик ҳажмнинг иккинчи ярми МВБ назорати остида юборилган.

Шундай экан, мазкур тадқиқотимизни бажариш давомида бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган инфузион-трансфузион терапия учун қўлланиладиган суюқликларнинг миқдори ва сифати таркиби модификациялаштирилган ва индивидуаллаштирилган куйидаги расмда изоҳланган.



6-расм. Кунлик суюқлик ҳажмини ҳисоблашнинг модификацияланган схемаси

Регидратацияда инфузиянинг $\frac{1}{2}$ ҳажм дастлабки 8 соат ичида ўтказилган. 2-чи ва 3-чи суткада инфузия ҳажми 30% ва 50% мос равишда камайтирилган. Аста-секинлик билан гидратация ҳажми энтерал компонент ҳисобига қайта тақсимланган. Шокка қарши инфузион-транс-фузион терапия таркибига глюкоза-новокаин аралашмасини (0,25%-ли новокаин эритмаси ва 5%-ли глюкоза эритмаси 1:1 нисбатда) 150-200 мл вена ичига юбориш ҳам киритилган. Бизлар томонимиздан таклиф қилинган модификацияланган схема дастлабки уч кунда ўтказилган инфузион терапиянинг ҳажми ва сифатини аниқ ҳисоблаб берган, бу вақтда, одатда жарбланувчини куйиш шокидан эртарок чиқишига имкон яратилган.


Кейинчалик, даволовчи воситаларнинг киритилиш ҳажми ва тезлиги динамикада диурез, гематокрит, гемоглобин, пульс, марказий веноз ва артериал босимни аниқлаш, қонда электролит ва кислота-ишқор мувозанати кўрсаткичларига қараб коррекцияланган.


Бизнинг оғир куйиш шокида қўлланиладиган интенсив терапия принциплари модификацияланган схемадан иборат бўлиб, бунда 72 соатгача суюқликлар микдорининг кунлик ҳисоби босқичма-босқич қайта тақсимланиши билан суюқликлар юбориш энтерал компонент ҳисобига бўлган; эрта нутритив қувватлаш, метаболик ацидоз коррекцияси, альбумин эритмаси эрта бошлаш, асосий гомеостаз кўрсаткичлари ва тромбоэмболик асоратлар ҳамда меъда шиллик қавати эрозив ярали зарарланишини олдини олишни ҳисобга олган ҳолда симптоматик терапия ўтказилган.

Одатда куйиш шоки даврида беморларга антибиотиклар қўлланилмаган. Фақатгина, жуда йирик ва ифлосланган куйиш жароҳатларида инфузион терапия билан бир вақтда вена ичига тавсия этилган.

Куйиш шоки даврида беморлардаги жароҳат юзаларини енгил малҳам суртилган боғламлар билан ёпилган. Куйиш юзаларини боғлами одатда шок баргараф қилинган, травмадан кейинги 2-3 чи кунларда ўтказилган.

Клиник-лаборатор текширишлар, натижалари шуни тасдиқладийки модификациялашган схема буйича ўтказилган инфузион-трансфузион терапия, Е. Evans схемасига қараганда самарали эканлигини тасдиқлаган. Даволаниш жараёнларида бу МВБ мўътадиллашиши ($9,16 \pm 1,98$, $p < 0,05$), артериал қон босими ва лаборатор кўрсаткичларни меъёрлашуви ва буйрак функцияларини тикланишида ўз аксини топган қуйдагида изоҳланган






7-расм. Куйиш шоки ва полиорган етишмовчилигини даволаш динамикасида куйидаги ЮҚС, АҚБ, МВБ, Нт, диурез кўрсаткичларнинг қийсий таҳлили

Шундай қилиб, модификацияланган схема бўйича ўтказилган шокка қарши инфузион-трансфузион терапия беморларни куйиш шокидан эрта чиқаришга имкон берди (I гуруҳ – $26,6 \pm 1,1$; II гуруҳ – $20,2 \pm 0,92$; $p < 0,05$), бу эса оператив ёндошувни эртароқ муддатларда бажаришга шароит яратди, ўз навбатида полиорган етишмоачиликнинг асосий профилактикаси эканлигини исботланган.

Мазкур даволаш усули қўлланилган беморларда куйиш шокидан ўлим 23 (6,97%) ҳолатда, худди шундай кўрсаткич назорат гуруҳида 34 (10,8%) ҳолатда кузатилган ва қуйидаги расмда изоҳланган.



8-расм. Модифицирланган инфузион терапиянинг самарадорлиги


Куйиш шоки билан беморлар орган-тизимлари зарарланиши сони ўрганиш шуни кўрсатдики, ПОЕ худди назорат гуруҳидагидек, ҳамма куйган 330 (100%) беморларнинг 208 (63,3%) нафарида уч ва ундан ортиқ аъзолар дисфункцияси бирга келиши кузатилган.

104 (31,52%) беморларда марказий асаб тизими энцефалопатия


кўринишидаги зарарланиши, 85 (25,76%) беморда – буйрак синдроми, 64 (19,39%) беморда жигар етишмовчилиги, 49 (14,85%) беморда - юрак-қон томир тизими зарарланиши синдроми, 32 (9,70%) беморда - респиратор тизими зарарланиши, 34 (10,3%) беморда меъда ва ичак токсик фалажи кўринишдаги МИТ зарарланишлари аниқланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда бизлар томонимиздан куйиш шокининг жиддий асорати бўлган Курлинг стресс яраларини сонини камайтиришга эришилди, бунга тўлиқ оғриқсизлантириш билан бирга органопротекторли терапия комплекси, волемик ва реологик кўрсаткичларни меъёрлашуви, ва айниқса травмадан кейинги дастлабки соатларда гистамин рецепторлари H₂-блокатори (квamatел 20-40 мг) ёки протон помпаси ингибиторларини (омепразолон 10-30 мг) қўллаш орқали амалга оширилганлиги ижобий самара берган.


Асосий гуруҳдаги ўлганларда ўтказилган морфологик текширишлар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳига қараганда аъзодаги ўзгаришлар камроқ ифодаланган, бу эса билвосита бизлар томонимиздан тавсия қилинган шокка қарши мувофиқлаштирилган органопротекторли қувватлаш билан бирга инфузион-трансфузион терапия схемасининг самарадорлигини кўрсатган.



9-расм. Томирлар тўлақонлиги, альвеолалар эмфизематоз кенгайиши, альвеола ўзанидаги қурум, альвеолалараро капиллярларидаги лейкоцитлар, диапедез қон қуйилишлар, гематоксилин – эозин билан бўялган, ок WF10x\22, об. SP4\0.10.



10-расм. Артериолалар ва капиллярлар камқонлиги ва спазми, оралиқ тўқима шиши, миоцитлар ўчоқли фрагментацияси, гематоксилин – эозин билан бўялган, ок WF10x\22, об. SP4\0.10.



11-расм. Коптокча томирлари тўлақонлиги, коптокчалар капсуласида гомоген суяқлик тўпланиши, каналчалар эпителийси гиалин-томчили дистрофияси, гематоксилин – эозин билан бўялган, ок WF10x\22, об. SP4\0.10, SP4\0.40.




Рис. 12. Томирлар тўлақонлиги, асосан венада, периваскуляр ва перицеллюляр соҳа кенгайиши, гепатоцитлар галин-томчили дистрофияси, гематоксилин – эозин билан бўялган, ок WF10x\22, об. SP4\0.10.

Олинган натижалар якунида шуни хулоса қилиш мумкинки, бизлар томонимиздан модификацияланган схема буйича ўтказилган инфузион-трансфузион терапия самаралироқ бўлиб, бунда артериал босим, МВБ, лаборатор кўрсаткичларнинг иккинчи-учинчи кунда меъёрлашишига, буйрак

ва бошқа аъзолар перфузияси тикланишига имкон берган, бу эса полиорган етишмовчилигини келиб чиқишини олдини олиб, ўлимни камайтирган.

Маълумки, полиорган дисфункцияси, хусусан полиорган етишмовчилигига олиб келган, унинг асосида яллиғланишга тизимли жавоб ёки бирон бир аъзо томонидан аниқ бир асоратларининг патофизиологик кўринишлари кузатилган, бу эса кечиктириб бўлмайдиган даво чораларини ўтказишни тақозо этади. Шунинг учун асосий гуруҳдаги беморларда ўткир токсемия ва септиотоксемия даврида полиорган дисфункциясини олдини олиш ва даволашда мақсадли органопротекторли терапия ва эрта нутритив-метаболик қувватлаш ўтказилган.

Бизнинг кузатишларимизда 2 аъзо (122 бемор) ва 3 аъзо (97 бемор) полиорган етишмовчилиги билан барча пациентлар соғайиб кетган, асоратлари даволанган. Бу асоратлар миокард ишемик зарарланиши, ритм ва ўтказувчанлик бузилиши; интерстициал ёки альвеоляр ўпка шиши, бактериал ва инфарктли плевропневмония; МИТ капилляр қон кетиш билан эрозив-ярали зарарланиши; нефропатия креатинин миқдорининг 299 ммоль/л гача кўтарилиши билан; гепатопатия билирубин миқдорини 101 мкмоль/л гача кўтарилиши билан; ҳушнинг бузилиши; ДВС-синдром, тромбоцитопения 50×10^9 /л гача камайиши билан кузатилган.

4 аъзонинг полиорган етишмовчилигида (41 беморда) ўлим 43,9% ташкил қилган, 5 аъзонинг полиорган етишмовчилигида (54 беморда) ўлим 55,56% кузатилди, ҳамда 6 ва ундан ортиқ аъзонинг (16 беморда) полиорган етишмовчилигида – тирик қолган жабирланувчи бўлмаган. Умуман олганда асосий гуруҳдаги куйганларда полиорган етишмовчилигидан ўлими 19,39% ташкил қилган.

Полиорган етишмовчилиги билан 266 беморнинг муваффақиятли даволаниш натижалари комплекс патогенетик ва ўз вақтида самарали органопротекторли терапия қўллаш билан боғлиқлиги, шу ўринда ЭФГДС превентив динамикада 3- 14- ва 21- суткаларда, лозим бўлганда ундан эрта ва кеч муддатларда ўтказилган.

Куйишнинг ўткир токсемия даврида ва септикотоксемия давриларида кузатилган беморлардаги орган ва тизимлар етишмовчилиги структураси ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, респиратор етишмовчилик сони (21,17%), юрак-қон томир (23,13%), марказий асаб тизими (58,96%) куйишнинг ўткир токсемия даврида, куйиш шоки даври билан таққосланганда (9,69%, 14,84%, 31,51% мос равишда) ошганлиги аниқланган, бу эса 24-72 соатдан сўнг нисбий гемодинамик турғунлик, орган ва тизимларнинг патологик жараёнга тортилиши билан турғун гиперметаболизм фазасига ўтиш билан боғлиқ бўлиш изоҳланган. Шу билан бирга буйрак (25,75% дан 17,92% гача), жигар (19,39% дан 15,96% гача) ва МИТ (10,3% дан 9,12% гача) томонидан полиорган етишмовчиликни пасайиши кузатилди.

Септикотоксемия даврида орган ва тизимлар етишмовчилигини органопротекторли терапия, эрта нутритив-метаболик қувватлаш ва фаол хирургик тактикани ўз ичига олган, патогенетик асосланган комплекс даволаш

дастурилари туфайли сезиларли даражада камайтиришга эришилди, бу эса полиорган етишмовчилиги, инфекцион асоратлар келиб чиқишини олдини олиш ва ўлим фоизини пасайтиришга имкон берган.

